ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1119-1123

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЖИСМОНАН ТАРБИЯЛАШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎРНИ

Улуғбек Муроджон ўғли Зокиров
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Алишер Исломбоевич Султонов
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада жисмоний тарбия ўқитувчиси касбининг долзарблиги, жисмоний тарбия ўқитувчисининг ўқувчилар билан коммуникатив боғлиқлиги, жисмоний тарбия дарси жараёнида ўқитувчининг спорт ва ҳаракатли ўйинлардан самарали фойдалана олиши ҳамда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг ахлоқий, рухий, эстетик тарбиясида жисмоний тарбия ўқитувчисининг ўрни кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: ҳаракат сифатлари, бошланғич синф, естетик онг, жисмоний тарбия дарслари.

THE ROLE OF PHYSICAL EDUCATION TEACHERS IN THE EDUCATION OF SCHOOLCHILDREN

ABSTRACT

The article considers the relevance of the profession of a physical education teacher, the communicative connection of a physical education teacher with students, the effective use of the teacher in sports and moving games in the process of physical education lesson, as well as the role of a physical education teacher in the moral, spiritual, aesthetic education of students of the general secondary school.

Keywords: attributes of movement, primary class, aesthetic consciousness, physical education classes.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович томонидан 2017 йил 3 июнда “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисидаги” қарори қабул қилинди. Қарорга биноан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1119-1123

саломатлигини мустаҳкамлаш, халқаро спорт майдонларида ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялаш устувор масала қилиб қўйилди. Президентимиз томонидан чиқариладиган қарор ва фармоишлар Ўзбекистон Республикасида “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни” тарғиб этиш, ҳамда жисмоний тарбия ва спортга йўналтирилган таьлим муассасаларида малакали кадрлар яъни спортчилар, спорт усталарини тайёрлашдан иборатдир.

Ўзбекистон республикасида халқ таълими вазирлигининг тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларда, жисмоний тарбия фани ҳар томонлама ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясида муҳим ўринларни эгаллаб келмоқда. Жисмоний тарбия мактаб ўқувчиларининг организмининг функционал яъни орган ва тўқималарининг ички ва ташқи томондан ривожланишида ҳамда ақлан теран, кенг фикрловчи, зукко бўлишларида ўзининг юқори моҳиятига эгадир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жисмоний тарбия мактаб ўқувчиларининг соғлом турмуш тарзига ўргатади, ҳаракат малакалари ва кўникмаларини шакллантиради. Жисмоний тарбия фани ёрдамида ўқувчилар ҳар қандай психологик, эмоционал, индивидуал, когнитив мухитларда ўсиб улғайиб боради.

Ҳозирги вақтда ўсиб келаётган ёш авлод жисмоний тарбия билан кам шуғулланиб келмоқда. Бу эса уларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилишларига тўсқинлик қилади. Уларнинг жисмоний (ҳаракат) сифатларининг жумладан куч, чаққонлик, эгилувчанлик, тезкорлик, чидамлилик сифатларининг ривожланишига тўсқинлик қилади. Мактаб ўқувчилари жисмоний тарбия билан кун давомида шуғулланишмаса уларнинг организмида фаоллик сусаяди, ҳаттоки турли хил касалликларнинг ҳам келиб чиқишига олиб келиши мумкин бўлади. Мактаб ўқувчиларига ҳафтасига камида икки маротаба жисмоний тарбия дарсларини ўтиш уларнинг жисмоний камолотга эришишлари учун замин яратиб беради.

Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ўрни жуда ҳам маъсулиятлидир. Ўқитувчи мактабда ўқувчига ҳар томонлама педагогик ёндашиб дарс ўтиши керак бўлади. Жумладан уларнинг шахсий кечинмалари, психологик холатларини индивидуал тарзда ўрганиб чиқилса, ўқувчиларнинг нимани хоҳлашини, унинг фан юзасидан қизиқишларини билиб олади. Ўқитувчида дарс ўтишда педагогик махоратга катта эътибор бериши лозим бўлади. Жисмоний тарбия ўқитувчилари умумий ўрта таълим

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1119-1123

мактабларида жисмоний тарбия дарсларида машғулотни ташкил этишда хавфсизликга риоя этишларидан ташқари, мухим вазифалари бордир. Дарс мобайнида ўқитувчи жисмоний тарбияни кенг миқиёсида ёйиши, дарсдан ташқари ўқувчиларни фаол ҳаракатларга ўргатишга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда тўғри овқатланишга эътибор бериш, ўқувчиларнинг жисмоний холатини текшириш ва ўқувчиларга мотивация (фаолиятга ундовчи кучни) беришни тарғиб этиш вазифаларидан иборатдир.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Замонавий жисмоний тарбия ўқитувчиси шахснинг ҳар томонлама ривожланганлик даражасида бўлмоғлиги лозим. Бунинг учун педагог ўқитувчида умумий маданиятнинг юқори даражаси, ҳаётий фаолиятга теран фикрлар билан қарашини шакллантириши зарурдир. Жисмоний тарбия ўқитувчиси ўзида педагогик функцияларни акс эттириши керак бўлади. Улар қуйдагилардир: психалогик ва педагогик кўникмага эга бўлиши, комил инсон тушунчасига, ўқув – методик кўникмага, коммуникативлик ва ташкилотчилик қобилиятига, тадқиқотчилик малакасига. Маҳоратли ўқитувчи жисмоний тарбия дарсларини ташкил этишда жисмоний тарбиянинг методларидан тўғри фойдаланиши, ўқувчиларнинг ота оналари билан алоқада бўлиши, ўқувчилар орасида келиб чиқадиган муаммоларни олдиндан кўра олиш маҳоратларига эга бўлиши керакдир.

Ҳозирги вақтда халқаро ривожланган мамлакатларнинг мактабларида жисмоний тарбия дарсларини ташкил этишда инновацион – технологиялардан фойдаланиб келишмоқда. Жумладан Америка Қўшма Штатларида мактаб жисмоний тарбиясини ва мактаб мусобақаларини уюштиришда мустахкам тизим ишлаб чиқилган. Бу тизим Америка Қўшма Штатларида мактаб ўқувчиларининг жисмоний камолотга эришишларига туртки бўлди. Улар бу тизимда асосан ўқувчиларнинг дарс мобайнида максимал тарзда жисмоний тарбия билан шуғулланишларини, дарсдан бўш вақтларида ўқувчилар мустақил равишда жисмоний тарбия дарсининг машқларининг усулларини ўрганишлари, соғлом турмуш тарзига риоя этишлари, ўқувчиларнинг кунлик фаолиятида ота оналарнинг ва ўқитувчиларнинг соғлом турмуш тарзини тарғиб этишларида назоратда бўлишлари, ўқитувчи томонидан ҳар бир ўқувчининг шахсий натижаларини билиши орқали Америка Қўшма Штатларининг ишлаб чиқган тизими ижобий натижаларни берди. Америка Қўшма Штатларида олиб бориладиган мактабларнинг жисмоний тарбия дарсларидаги амалий ишлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1119-1123

натижасида, жуда кўплаб ёшларнинг юқори малакали кадр бўлиб чиқишларига замин яратди.

ХУЛОСА

Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия ўқитувчилари ўқувчиларнинг индивидуал холатларига эътибор беришлари, унинг камчиликларини вақтида бартараф этишлари, уларга жисмоний, ақлий, эстетик тарбиялардан билимларни қўшимча билим тариқасида бериб боришлари, дарсларни ўтишда юксак савияда педагогик технологиялардан фойдаланиб ташкил этишлари, ўқувчилар ўртасида дарсдан ташқари соғлом турмуш тарзига риоя қилишларини ташкил этишса ўқувчиларнинг назарий билим ва амалий кўникмалари янада шаклланиб боради.

REFERENCES

1. Nurmatov Farkhod, Jumaev Adilkhakim, Mamatkulov Ravshanjon, Sultanov Alisher. GENDER EQUALITY IN SPORT: STAGES OF WOMEN'S SPORT DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN PJAEE, PalArch’s Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology. №18 (08). 1733-1746. (2021).
2. Ulugbek Zokirov. Individual Features Of Development Of Information And Communicative Competence In Masters Of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations. № 3 (3), 486-491. (2021). https://usajournalshub.com/index.php/tajssei/article/view/2423/2314
3. Зокиров У.М. “Эркин курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини такомиллаштириш усуллари”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (2), 306-314. (2020).
4. Султонов А.И. Узбекские национальные виды спорта физические игры. Liv International scientifik and praktikal conference. № F00778 76-77. 2019.
5. Зокиров У.М. “Совершенствование тренировочного процесса студентов факультета физической культуры специализирующихся в спортивной борьбе” маг. Диссертация ФерГУ 2020 г. 25,26,27,28.
6. Султонов А.И. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш мазмун ва воситалари. Барқарор ривожланишда узлуксиз тальм: « Муаммо ва ечимлар халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами» 326-327.
7. Zokirov Ulugbek Murodjon ogli. Scientific and Theoretical Bases of Didactic Principles of Development of Information – Communicative Competence in Masters of Higher Pedagogical Education of the Republic of Uzbekistan. Annals of the

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1119-1123

Romanian Society for Cell Biology. № 25 (4), 2021. 8896-8903. http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3612
8. Султонов А.И. Жимоний-маданий тадбирларни ташкил этишнинг услуб ва воситалари. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар –мамлакат тараққиётининг муҳим омили. 84-85. 2018.
9. Зокиров У., Жўраев Ш. Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни мониторингини ташкил этиш. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. №1 (3), 1115-1121 (2020).
10. У.М.Зокиров. Олий педагогик таълим магистрларида ахборот - коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг дидактика тамойилларини илмий - назарий асослари. “УзМУ ХАБАРЛАРИ” Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали. № 1/4/1, 74-77. (2021).
11. U.M.Zokirov. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida jismoniy tarbiyada sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishning shakllari. “Xalq ta’limi” O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali. № 5, 38-41. (2021).
12. Sultonov A.I. Novateur publications physical qualities and their essence. JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. № volume 7, issue 1, 131-138. 2021.
13. U.M.Zokirov. Oliy pedagogik ta’lim magistrlarida axborot – kommunikativ kompetentlikni rivojlantirish usullari. “Xalq ta’limi” O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali. № 5, 97-100. (2021).
14. Sultonov A.I. Значение кластерного метода в развитии физической культуры детей школьного возраста. “Xalq ta’limi” O‘zbekiston respublikasi xalq ta’limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali. 5-son. 118-120. 2021.
15. Зокиров У.М. Умумий ўрта таълим мактабининг 5-6 синф ўқувчиларини баскетбол спорт ўйини орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш. Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. № 6, 544-549. (2021).